



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 16 август, № 167 (8510)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«The Economic Times»:

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЙИЛ ОХИРИГАЧА БАРҚАРОРЛИК ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТЛАРИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

Хиндистон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ўсиш кўрсаткичларига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Дунё нигоҳи

Жумладан, иқтисодий мавзуга ихтисослаштирилган етакчи “The Economic Times” газетасида 2023 йилнинг дастлабки олти ойида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 5,6 фоизга ўсгани тасдиқланиб, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими Руслан Абатуловнинг “Мамлакат иқтисодиёти биринчи ярим йилликда юқори ўсиш динамикасини сақлаб қолди ва беқарор ташки муҳит ўзгаришлариغا чидамлилигини намойён этди”, деган сўзлари келтирилган.

Газета шарҳловчиси Дипанжан Рой Чаудхури Ўзбекистонда инфляция секинлашишда давом этаётгани ва олти ой ақунларида кўра сўнгги 5 йилдаги энг паст кўрсаткич бўлганини урғулаган.

Асосий капиталга инвестициялар қарийб 8 фоизга ошгани, марказлаштирилмаган инвестициялардаги ўсиш суръати 8,7 фоизни ташкил этгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда эса 21 фоиз даражасидаги юқалиш қайд этилгани баён қилинган.

Инвестициялар таркибида марказлаштирилган инвестициялар улуши камайгани ва аксинча марказлаштирилмаган инвестициялар улуши мос равишда ошгани тасдиқланган.

Нашрда инвестицияларда ишлаб чиқариш саноатига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши ўсгани, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари изчил ошаётгани ва бошқа асосий кўрсаткичлар

ҳақида батафсил жадвал ва рақамлар келтирилган. Муаллиф Ўзбекистоннинг ташки савдо айланмаси ҳам қарийб 20 фоизга кўпайганига алоҳида эътибор қаратган.

“Умуман олганда, биринчи ярим йилликнинг асосий тенденциялари макроиктисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ва иқтисодиётга салбий омилларнинг таъсирини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг ижобий ўсиш динамикасини қўллаб-қувватлаш, инвестиция фаоллигини кучайтиришдан иборат бўлди. Ўзбекистон иқтисодиётида йил охиригача барқарорлик ва жадал ривожланиш суръатлари сақлаб қолиниши қўтिल्моқда”, деб фикр юритган газета шарҳловчиси.

Ушбу мавзудаги материаллар, шунингдек, “India Blooms” ахборот агентлиги, “TWF India”, “Just Earth News” ахборот порталлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам эълон қилинди.

«Дунё» АА.
Декли

Олий Мажлис Сенатида

МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ



Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ман ва шахрига 9 та, Тошкент

шаҳрининг 12 та туманига 3 та оқова сув тозалаш иншоотлари хизмат кўрсатади. Ушбу иншоотлардан 7 таси иш самарадорлиги бўйича талабга жавоб бермайд.

Қолаверса, тозалаш иншоотларидан табиий муҳитга оқизилаётган оқова сувлардаги зарарли моддалар белгиланган меъёрдан ортқ. Масалан, азот аммоний 2-3 марта, фос-

форит 7 баробар ва муаллақ моддалар эса 1,5 каррагача кўплиги аниқланган. Парламент комиссияси ишчи гуруҳи томонидан Андижон ва Қашқадарё вилоятларида энергия самарадорлигини кучайтириш ва муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари ҳам атрофича муҳокама қилинди.



ЯРОҚСИЗ ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНМОҚДА, ПОЕЗД ҚАТНОВИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасига Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани аҳолисида келган мурожаатга кўра, вилоятдаги автомобиль йўлларида бири яроқсиз ҳолатга келиб қолган, шунингдек, поездлар “Учқудуқ-2” темир йўл станцияси орқали ўтмаётгани боис кўплаб одамлар ноқулайликларга дуч келмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Учқудуқ — Узунқудуқ автомобиль йўлида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Натижада ушбу ҳудудда йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда, йўлда ҳаракатланаётган

транспорт воситалари эса таъмир талаб бўлиб қолаётди. Қолаверса, бу йўл бир қатор қишлоқ фуқаролар йигинларини туман маркази, шу жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси билан боғлайдиган ягона йўл эканини ҳисобга олсак, ушбу масала қанчалик долзарблиги янада ойдинлашади.



Муносабат

САЙЁҲЛАР ОҚИМИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Мамлакатимиз туризми ривожига кўҳна ва навқирон Бухоро алоҳида салоҳиятга эга. Шаҳар қадимдан жаҳонда, айниқса, мусулмон дунёсида маълум ва машҳур бўлган. Воҳанинг 13 туман ва шаҳарларида 500 га яқин зиёратгоҳ ва муқаддас қадимжолар сақланган.

Улғувор миноралар шаҳри — Бухоро ўзининг минг йиллик обидалари билан дунё аҳлини неча асрларки, ҳайратга солиб келади. Хусусан, шонли тарихнинг жонли гувоҳи бўлган Бухорода шундай миноралар борки, улар қарийб ўттиз асрни қаршилаган шаҳар хуснига кўрк қўшиб келмоқда. Аслида ҳам Бухоронинг бошқа воҳалардан фарқи жихати у тарихий, маданий туризм қатнашда зиёрат сайёҳлиги йўналишида ҳам кўплаб объектларга эга.

Шу билан бирга, Бухоро шаҳри Буюк Ипак йўлини бирлаштирувчи энг му-

ҳим нуқталардан бири бўлиб, бу бутун дунё халқларининг эътиборини тортиб келади. Буни кейинги йилларда бу ерга келган сайёҳлар сони кескин ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Агар рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2021 йилда хорижий сайёҳлар сони 30 минг 800 нафарни ташкил этган эди, бу кўрсаткич 2022 йилда 550 минг нафарга етган. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса боқий Бухорони кўриш исти-га келган чет эллик сайёҳлар сони 400 мингдан ортмоқда.



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ЎТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистонда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг қўламда фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ушбу манбалар орқали халқимизни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда 430 мегаватт қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилган бўлса, шунинг ўзи йилга 1,2 млрд. кило-ватт-соат электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. Бу — иқтимоий соҳа объектлари йиллик истеъмолининг 60 фоизига тенг, дегани.

Шунингдек, иқтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари ҳамда аҳоли хонадонларида 250 МВт қуёш панеллари ўрнатилди. Бу борада олиб борилаётган саноат-ҳаракатларга қарамай, юртимизда энергия ресурсларини тежаш тобора долзарб бўлиб борапти. Демак, йил якунига қадар 3,7 млрд. киловатт-

соат электр ва 2,4 млрд. куб метр газни иқтисод қилиш лозим.

Бухоро шаҳрида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада мутасаддилар олдиға аниқ вазифалар қўйилди.

Мутахассисларнинг маълумотиға кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали республиканинг бугунги кунда энергияға бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп энергия олиш имконияти мавжуд.



ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК

ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА, ДУНЁНИ ЮРТИМИЗГА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) — дунёдаги энг йирик халқаро иқтисодий, дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ҳамда савдо сиёсати режимини бошқарувчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Халқаро савдода ташкилотга аъзо ва иштирокчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган тамойиллар ва қоидалар белгиланган бўлиб, улар ҳукуматлараро ва кўп томонлама шартномалар асосида фаолият олиб боради. ЖСТ жаҳон савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш йўли билан давлатлар савдо сиёсатиға таъсир кўрсатади, савдо муносабатларини эркинлаштиради ва қатъий тартиб-қоидаға солади. Энг муҳими эса, савдода юзага келадиган низоларни ҳал қилади ҳамда бошқа бир қатор вазифаларни бажаради.

Бизнинг суҳбат

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши қатта меҳнат талаб этадиган жараён экани ҳаммамизга аён. Айни пайтда мамлакатимиз ЖСТ таркибида бўлмагани учун ҳам глобал иқтисодий жараёнлардан четда қолмоқда. Ҳўш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун қандай босқичларни босиб ўтишимиз ва нималарга ўзгартириш киритишимиз керак?

Бу ҳақда Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Муҳиддин КАЛОНОВнинг фикрлари билан қизикдик.

— Айни чоғда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун қатъий ҳаракатлар олиб борапти, бу яқин йиллар ичида ўзининг ижобий натижасини берадими?

— Биласизми, 2019 йил июль ойида Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш учун ташки савдо режимини тўғрисидаги янги-ланган меморандумни қўриб чиқиш-га тақдим этган эди. 2019 йил ноябр-да Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши учун 5 млн. евро ажратган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги “Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқ-



лаш ҳақида”ги қарорига асосан ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия тузилган.

2020 йилнинг июль ойидан буён бир неча бор Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши бўйича қўшма ишчи гуруҳ учрашувлари бўлиб ўтган. Шу йилнинг июнь ойи бошида мамлакат Президентининг Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўйича махсус вакили лавозими жорий этилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарорига белгиланди.



ПОКИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАРАШ ВА ИНТИЛИШЛАРИ БИР-БИРИГА УЙҒУН

Покистон Ислон Республикаси шу кунларда ўз мустақиллигининг 76 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу муҳим сана мамлакатнинг барча ҳудудида, хориждаги элчионаларида, шу жумладан, Покистоннинг Ўзбекистондаги элчионасида давлат байроғи қўтарилиши билан қарши олинди.

Покистон Ислон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Аҳмад ФАРУҚ истиқлол куни муносабати билан газетамиз муҳбирига эксклюзив интервью берди.

Эксклюзив интервью

— **Жаноб элчи, Сизни Покистон давлати мустақиллиги куни билан муборакбод эта-миз. Истиқлол — барча эркесвар халқлар учун муқаддас айём. Шундай экан, суҳбатимизни Покистоннинг истиқлолга эришиш**

тарихидан бош-ласак...

— Ҳозирги Покистон ҳудудида яшовчи мусулмон халқлар ХХ асрнинг бошидан бери ўз мустақил давлатини тузиш учун кураш бошлаганлар. Фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейин озод давлат тузиш учун қўлай



ҚАШҚАДАРЁНИНГ ЗАРҲАЛ ИПЛАРИ ВА МАТОЛАРИ

жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда

Қашқадарё воҳасида ипак қурти боқиш, “қумуш тола” етиштириш билан азалдан шуғулланиб келинган. Айтишларига қараганда, қадимий Насафда нафақат ипакчилик билан савдо-сотик қилинган, балки шу ернинг ўзида пилла парваришланиб, кўзни қувнатувчи ипак матолар тўқилган ва Буюк Ипак йўли қарвони орқали узоқ хориж ўлкаларига ҳам етказилган. Бинобарин, ипакчилик ва ундан яратилган сержилло буюмлар қашқадарёликлар фаҳрига айлангани ҳам бор гап.

Пиллачилик: кеча ва бугун

Бироқ шундай даврлар бўлдики, бу сердаромад, шу билан бирга, сермашақат соҳадаги имкониятлар тўлиқ ишга солинмади, ипакчиликка эътибор суст бўлиб, фақат хомашё етиштириш билан чекланиб қолинди. Со-

ҳадан олинаётган даромад микдорига, инвестицияларни жалб этиш ва тайёр ипак маҳсулотларини экспортга чиқариш имкониятларига ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. Бугун эса эътибор ва рағбат туфайли пиллачилик



тармоғи замонавий мезонлар асосида жадал ривожланаётди. Айниқса, кейинги йилларда пиллачилик вилоятда сердаромад соҳага айланди. “Қумуш тола”ни қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, жаҳон бозорига чиқариш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда.



МИЛІЙ МАҚСАДЛАР ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

➡ Кайд этилганидек, Андижон вилоятида ижтимоий соҳа объектларида 10300 кВт қувватли қуёш панеллари, 9 минг литрли қуёш сув иситиш ускуналари, тадбиркорлик субъектларида 5629 кВт ва аҳоли хонадонларида 10961 кВт қувватли қуёш панеллари, шунингдек, 25,9 минг литрли қуёш сув иситиш ускуналари ўрнатилган.

Қашқадарё вилоятида эса 1242 та объектда умумий қуввати 12,9 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр панеллари, 8,1 минг литрли гелиоколлектор, 193 та тадбиркорлик субъектига 6,2 МВт ва 761 та аҳоли хонадонига 1,6 МВт қувватли қуёш панели ҳамда 4,8 минг литрли гелиоколлектор ўрнатилган.

Ўз навбатида, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича тарбибот-ташвиқот ишларининг суствлиги ҳамда нархларнинг юқорилиги оқибатида Андижон вилоятидаги аҳоли хонадонларида 28800 кВт ўрнига 10961 кВт (режага нисбатан 38 фоиз), Қашқадарё вилоятида 7400 кВт ўрнига 1871 кВт (режага нисбатан 25 фоиз) қуёш панеллари ўрнатилган ҳолос.

Қашқадарё вилоятидаги 691 минг 570 та хонадонда энергия тежовчи лампалар ўрнига қарийб 1 миллион 245 минг донга чўғланма лампадан фойдаланилган. Натижада эса йилга 60,3 млрд. сўмлик 204 млн. кВт

электр энергияси тежалмай келинаётгани ачинарлидир.

Мажлисида, шулардан келиб чиққан ҳолда, жойларда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор таклиф ҳамда кўрсатмалар берилиб, аниқ вазифалар белгиланди.

Жумладан, ер ости манбалари сувининг сифатини мунтазам кузатиш ва ўзгаришлари ҳамда ишлатилган микдорини таҳлил қилиб бориш, ичимлик суви ўрнида фойдаланиладиган муқобил сув манбаларини (бўлоқ, қудуқ, ҳовуз, ер ости сувлари ва бошқалар) қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг захиралари бўйича прогноз кўрсаткичлар

рини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”-ги қонунни янги тахрирда ишлаб чиқиш, республикага импорт қилинаётган қуёш панеллари нархларини таҳлил этиш, ушбу маҳсулотни аҳоли учун қулай нархларда харид қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан қатор вазифалар илгари сурилди.

Мажлис якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

САЙЁҲЛАР ОҚИМИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

➡

Умуман, Бухоро шаҳрига ўтган йили 3,5 млн. маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йил якунига қадар бу кўрсаткич 5 млн-дан ошиши кутилмоқда. Бу — Президентимиз раҳбарлигида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг яққол намунасидир.

Бугунги кунда Бухоро Ўзбекистоннинг илм-фан, ҳунармандчилиги, маънавият ва туризмнинг муҳим маркази бўлган етакчи шаҳарлардан бири бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий,

сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшяпти, деб баралла айтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10-11 август кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида ҳам туризм инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун шароитларни кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Бухоро шаҳрини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилар экан, унинг тарихий қисмида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун шароитларни кенгайтириш

лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, Тўдақул сув обдорининг Гарбий ҳудуди Бухоро вилоятига ўтказилиб, дам олиш туризминини ташкил этиш режалаштирилган.

Албатта, вилоятда туризм равнақига бу даражада катта эътибор қаратилган бегиз эмас. Чунки вилоятга 10 млн. турист келса хизматлар соҳаси ривожланиб, қанчадан-қанча даромад пайдо бўлади, минг-минглаб иш ўринлари яратилади.

Шерзоф РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ЎТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

➡

Шу боис сўнги йилларда юртимизда қайта тикланувчи энергетика соҳасини ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилад. Соҳанинг ташкилий-ҳукуқий асослари яратилиб, давлат раҳбарининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида биргина жорий йилнинг 12 август кунига қадар республика бўйича жами 41885 та объектга 267,3 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилди. Шу вақтга қадар 4 минг 534 та хонадон билан шартномалар тузилиб, улардан тармоққа 720 минг кВт-соат электр энергияси қабул қилиб олинган.

Тан олиш керак, ўтган даврда қилинган ишлар кўлами нияҳатда кенг. Лекин йил якунига қадар 3,7 млрд. кВт-соат электр ва 2,4 млрд. куб метр газни иқтисод қилиш зарур. Иккинчи ярим йилликда эса 30 млрд. куб метр газ қазиб олиш ҳамда ер ости газ омборларида захира ни камида 3,5 млрд. куб метрга етказиш, 41 млрд. кВт-соат электр ишлаб чиқариш керак.

Шубҳасиз, бунинг учун мамлакатимизда имкониятлар етарли. Эндликда биз депутатлар ҳам профессионал фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар-

нинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга алоҳида масъулият билан ёндашиб, фаоллик кўрсатишимиз лозим. Зотан, белгилаб берилган вазифалар ҳар бир депутатни янада фаолроқ бўлишга, ушбу соҳа ривожини учун самарали меҳнат қилишга ундайди. Залварли вазифарларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини оширишга замин яратади.

Ислом ХУШБАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЯРОҚСИЗ ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНМОҚДА, ПОЕЗД ҚАТНОВИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

➡

Боз устига ушбу ҳудудда “Қанорбой ота” мақбараси жойлашган бўлиб, сифатсиз йўл инфратузилмаси туманда ички туризмни ривожлантиришга ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, мурожаатда Учқудуқ, Томди ва Қонимех туманлари ўртасида темир йўл транс-порти қатновини яхшилаш учун “Учқудуқ-2” темир йўл станциясининг фаолиятини тиклаш масаласи юзасидан ҳам амалий ёрдам сўралган эди.

Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, илгари Қўнғирот, Шовот, Урганч ва шу йўналишдаги йўловчи ташиш поездлари “Учқудуқ-2” темир йўл

станцияси орқали ўтган. Ўз ўрнида, бу Учқудуқ ва Томди туманлари аҳолиси-га, жумладан, олис ва чекка ҳудудларда яшовчиларга қулайлик яратган. Ҳозирги вақтда поездлар ушбу станция орқали қатнамаётганлиги сабабли марказий Қизилқум аҳоли яшаш пунктлари қисман туман марказидан ажралиб қолган. Агарда поезд қатнови қайта тикланса, Учқудуқ, Томди ва Қонимех туманларидаги 300 минг аҳоли учун қулай шароитлар яратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси Транспорт ва

зирилиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига сўров юборди.

Ўз навбатида, Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан юқорида номи айтилган автомобиль йўлига 396 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳамда йил якунига қадар ушбу сармоя ҳисобига таъмирлаш ишлари амалга оширилиши маълум қилинди.

Шунингдек, “Қанорбой ота” мақбарасига элтувчи йўлнинг 5 километрлик қисмида ҳозирги кунда қорақоршима ёрдамида ҳаётга қайта олиб бориладиган ва ушбу автомобиль йўлини тўлиқ таъмирлаш юмушлари жорий

йилнинг сентябрь ойи охирига қадар якунланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маълумоти-га кўра, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Навоий — Учқудуқ” участкаси орқали қатновчи йўловчи поездларнинг Бухоро — Мискин ҳудудидан юриши йўлга қўйилди. Айни чоғда шаҳарлараро қатновчи Навоий — Учқудуқ — Навоий ва Навоий — Янги Зарафшон — Навоий поездлар йўналиши сақлаб қолинди.

Шунингдек, Янги Зарафшон, Томди, Қонимех ва Учқудуқ туманларида яшаётган аҳолига енгиллик яратиш учун “Ўзбекистон темир йўллари”

АЖ томонидан мавжуд вагонларни таъмирлаш ва харид қилиш ишлари олиб бориладиган ҳамда 34 та электр ва 6 та дизель поездлари хариди бўйича тендер савдолари эълони берилиб, тижорат таклифлари қабул қилинмоқда. Шу ишлар якунланган “Навоий — Учқудуқ-2” темир йўли участкаси орқали йўловчи поездлар ҳаракатланиши йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, ҳар иккала масала Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан назорат қилиб бориладиган.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

➡

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, тарафлар тортишувини ва тенг ҳуқуқлилиги, суд муҳокамасининг ошқоралиги, ишларни қонунчилик асосида ҳал қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд томонидан аниқланиши, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги каби принципларга асосланади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта қўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, суднинг ажримни устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилмоқда. Яъни қонун лойиҳасида туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш ваколати бериляпти.

Бу тартиб амалга ошиши билан одил судловга эришишнинг имкониятлари янада кенгайди. Бунда биринчи инстанция судининг қароридан норози тарафлар вилоят судига апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиб, унинг ҳам натижасидан қониқмаса, ушбу иш мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилади. Суд ишидан яна норози бўлган тақдирда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўриб чиқилган ишлар Олий суднинг судлов ҳайъатида қайта кўриб чиқилади.

Энди юқори инстанция судларига янада катта масъулият юкланиб, ишчи янгидан қўриш учун қуйи судларга юбориш тартибининг бекор қилинаётгани ҳам суд ҳужжатидан норози шахсининг юқори инстанцияга ишончини мустаҳкамлайди.

Ушбу қонун лойиҳаси суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш механизмидан янада такомиллаштиришга ҳамда суд қарорларини қайта қўришнинг янги тартибининг жорий этиш орқали одил судлов сифатини ҳамда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, қонуний маффаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.



Ортиқча харажатларга ўрин қолмайди

Мажлисида “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний маффаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишнинг амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек, қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларини таъминлаш ва бошқалардан иборатдир.

Маъмурий суд ишларини юритишда ишлар одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi каби принциплар асосида амалга оширилади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан суд қарорларини қайта қўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган суд орқали ҳимояланиш ва судга шикоят бериш ҳуқуқи кафолатларини кучайтиришга, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда қонуний маффаатларини кенгроқ ҳимоя этишга, одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўрилишга, фуқароларнинг судлардаги ортиқча харажатлари тежаллашига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш имкониятлари

Депутатлар ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига деҳқон ҳўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдонини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат ва қорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш муҳим вазифалар сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида тизимли равишда қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилаётир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, аҳоли талабини таъминлаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Амалдаги қонунчиликда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар деҳқон ҳўжалигини юритиш учун 0,06 гектардан 1 гектаргача ажратиш белгиланган. Ушбу нормаларда деҳқон ҳўжаликларига қорва озукаси экинларини етиштириш учун ерларни ажратишда ҳудудларнинг, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иклим шароити инобатга олинмаган.

Шундай ҳудудларда қорва озукча базасини мустаҳкамлаш ва талабни тўлиқ қондириш, мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш бўйича тизимли тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан Ер кодекси ва “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгаришлар киритилиб, деҳқон ҳўжалигини юритиш учун Қорақалпоғистон Республикасида — 0,06 гектардан 5 гектаргача бўш турган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари ажратилиши белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасида қорва озукаси экинларини етиштириш учун деҳқон ҳўжалигига берилган ерларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўшимча имконият яратди. Шунингдек, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, қорвачилик соҳасини ривожлантириш, қорва озукча базасини кўпайтиришга ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотли етиштирувчиларни иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлашга йўл очди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг курилиш соҳасига оид айрим ваколатлари тугатилди

Мажлисида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг курилиш соҳаси бўйича уларга хос бўлмаган ай-

рим ваколатларини тугатишга қаратилган — “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш бўйича кенг камровли ишлар удрдаланди. Хусусан, рақамлаштириш тизими жорий этилиб, ушбу соҳада очкилик ва ошқоралик таъминланди. Лойиҳа-қидирив ва курилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг тизими яратилган ҳолда, давлат харидларини электрон шаклда амалга ошириш йўлга қўйилди. Натижада жисмоний ва юридик шахслар учун янада қулай муҳит шаклланди.

Шу билан бирга, курилиш соҳасидаги айрим хизматлар давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилиши белгиланган ва курилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабар бериш механизмининг жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун рухсатнома олиш тартиби бекор қилинган бўлишига қарамай, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалиётда курилишга рухсат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Хусусан, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан бино ва иншоотларни, яъки тартибдаги уй-хўйларни, вақтинча иншоотлар ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган объектларни куришга рухсат бериш тўғрисидаги қарорлар ханузгача қабул қилинаётгани маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг шаҳарсозлик фаолияти объектларини куриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши курилиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишдаги мавжуд муаммоларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ва ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан турли саволлар ўртага ташланди ва уларга мутасаддилардан атрафлича жавоблар олинди.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК

ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА, ДУНЁНИ ЮРТИМИЗГА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Шунингдек, 2023 йилнинг 1 июлидан бошлаб Жаҳон савдо ташкилоти қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақиқланди. Адлия вазирлигига миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш функцияси юкланди. Бунинг учун илгари мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан қўшимча 5 штат бирлиги ажратилган.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тузилмасида махсус департамент ҳамда яна 20 та вазирлик ва идора жорий штатлари доирасида тегишли бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилмаган бўлди. Халқаро савдо марказининг “Ўзбекистоннинг ЖСТга киришига қўмаклашиш” бўйича беш йиллик лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хуллас, 2020 йил февраль ойда бошланган лойиҳа Ўзбекистоннинг қўшилиш жараёнидан фойдаланиш орқали иқтисодийни модернизация қилиш бўйича ривожланиш режаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

— **Умуман, ЖСТнинг асосий вазифаси нималардан иборат? Глобаллашув жараёнида унинг аҳамияти қандай? Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши қанчалик самара келтиради?**

— Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик бу мақсадларни амалга оширувчи асосий қадамлардан бири, десак, асло муболага бўлмайди. Мазкур ташкилот ўтмишига назар ташласак, унга 1995 йили асос солинган. Айни пайтда 164 та мамлакат ташкилот аъзоси ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 14 апрель куни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёنлари ва истиқболларига оид тақдирот билан танишди.

Биласиз, илгари мамлакатимиз экспортнинг ярами пахта толасига тўғри келарди. Унинг экспортидан тўлиқ воз кечилгандан кейин тайёр кийим-кечак экспорти 4 баравар кўпайди. Утган йил натижаларига кўра, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 3 млрд. 300 минг долларни ташкил этди. 2021 йилда Ўзбекистон “GSP+” тизимига қўшилгани натижасида Европа бозорига тайёр маҳсулот экспорти 1,5 баравар ошди.

Ташки савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтиришда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар очади. Шу боис Ўзбекистон 2019 йилдан бу халқаро тузилмага аъзолик жараёнини янгидан бошлаган эди. Утган даврда бу мақсад сари дадил қадамлар қўйилди. Келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 баравар ошириш режа қилинпти. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли ЖСТга аъзо бўлиш, деди давлат раҳбари. Бу 164 та мамлакат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини беради.

Шу пайтгача ЖСТга аъзо 50 дан зиёд давлатлар билан икки томонлама музокаралар олиб борилди.



Бу жараён бўйича жорий йилнинг март ойда Жаҳон савдо ташкилотига ишчи гуруҳнинг олтинчи йиғилиши ўтказилди. ЖСТ битимларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни унга уйғунлаштириш, тартиб ва стандартларни халқаро талабларга мослаштириш зарур. Бунинг учун хорижий консултантларни жалб қилиб, ишчи гуруҳларни шакллантириш, барча вазирлик ва элчихоналар билан тизимли ишлаш керак бўлади. Умуман, ушбу молиявий ташкилотнинг уставиға назар соладиган бўлсак, унда 10 дан ошмиқ норматив-ҳуқуқий битим талаблари мавжуд. Барча аъзо давлатлар мазкур ташкилот уставидаги талабларни бажариши мажбурий саналади. Аъзо бўлувчи давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигини мазкур талабларга мувофиқлаштириши лозим бўлади.

— **ЖСТга аъзо бўлишнинг меҳнат бандлигига, аҳолининг даромади ва нарх-наво барқарорлигига таъсири қандай?**

— Шунингдек, таъкидлаш жоизки, дунё савдо айланмасининг 98 фоизга яқини айнан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Энди саволингизнинг асосий мазмунига келадиган бўлсак, ЖСТга аъзолик, биринчидан, дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор савдо бозорларини яратиш имконини беради. Иккинчидан, тадбиркорларимиз учун кафолатли ва хавфсиз халқаро йўлаклар очилади. Ташкилотга аъзо хорижий давлатлар билан имтиёзли савдо-сотик майдони яратилади. Жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида жаҳон бозорларидан ўз ўрнига эга бўлади. Учунчидан, унинг замирида иқтисодий манфаат бор. Яъни тўсиқларсиз ўзаро маҳсулот айир-бошлашга эришилади ва товар айирбошланиши юксак технологияларнинг қўлланилиши ҳамда ривожига ҳисса қўшади. Тўртинчидан, халқнинг турмуш даражаси яхшиланиши кузатилади, аҳолининг сифатли маҳсулот истеъмоли сабаблари вуҷудга келади. Бешинчидан, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳисобига миллий маҳсулотлар таннарихи тушади. Олтинчидан, локал ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, бюджетга тушумлар кўпаяди, геоиқтисодий либераллашув мамлакат ва алоҳида ватандошларимизнинг даромадларини кўпайтиради. Еттинчидан, меҳнат бандлиги ва камбағалликнинг қисқаришига олиб келади.

— **ЖСТга Қирғизистон 1998 йилда, Тожикистон 2012 йилда, Қозоғистон 2015 йилда аъзоликка қабул қилинган. Бироқ...**

— Саволингизни тушундим. Ўзбекистон учта давлат билан ЖСТга кириш бўйича музокараларни амалда юқунлади. Уларнинг барчаси дастлаб товар ва хизматлар бозорига кириш бўйича музокаралар олиб бориш истагини билдирган. Ҳозирда 31 давлат билан музокаралар олиб борилмоқда.

Шу йил апрель ойи бошида Тошкентда бўлиб ўтган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Грузия ҳукуматлараро комиссиясининг 9-йиғилишида ушбу икки давлат ўртасида ЖСТга қўшилиш доирасида товар ва хизматлар бозорига чиқиш бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома имзоланган. Шу тариқа Грузия Ўзбекистон билан бу борадаги музокараларни якунлаган дастлабки давлат бўлди. Жорий йилнинг март ойи ўрталарида Женевада Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳининг олтинчи йиғилиши бўлиб ўтган. Бугунги кунда савдо ре-

Ўзбекистонга бир қатор лойиҳалар асосида стратегик маслаҳатчи, техник кўмак, малака ошириш ва бошқа амалиётларни бериш орқали ёрдам кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ташкилотга аъзо бўлиш бўйича барча асосий музокараларни 2023 йил охиригача якунлаш, шунингдек, миллий қонунчилигимизни ЖСТ қоидалари ва меъёрларига мувофиқлаштириш, ташкилот устави талабларига мос янги стандартларни жорий қилиш бўйича ишларни жадаллаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни кўриш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

— **Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши ташқи геосиёсий ва геоиқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Келгусида миллий иқтисодиёти-мизнинг самарали бўлиши айнан шу омилга боғлиқ, шундай эмасми?**

— Тўғри таъкидладингиз, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўли-шининг объектив ва субъектив за-руратлари мавжудлигини эсдан чи-

“Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё савдо айланмасининг 98 фоизга яқини айнан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади.”

жими ва мажбуриятлар юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўли-шининг аниқ санасини айтиш қийин, chunki бу жараён мураккаб ва ташкилотнинг ҳар бир аъзоси билан мувофиқлаштиришни талаб қилади.

Аъзо бўлишликнинг ўзи номзод мамлакатлар миллий институцио-наллашган инфратузилмаларини анча кучайтиришига зарурат пай-до қилади. Номзод мамлакатлар-нинг аксари кириш ҳақида баёнот берганларидан сўнггина мазкур мақсадларга мос инсон ва молия ресурслари етарли даражада ри-вожланмаганиги ҳақида хулосага келадилар. Пировардида бу омил-ларни ривожлантиришга йиллар керак бўлади. Мазкур йўналишлар-ни ҳосил қилиш тизимли амалга ошириб борилади. Мамлакатлар томонидан талаб қилинган инсти-тутларни жорий этиш, инсон ре-сурсларини тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда бошқа-риш шакллари яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шунингдек, бу ишда халқ-аро ҳамжамиятнинг кенг қамровли ва объектив ёрдами зарур бўлади. Шубҳасиз, Европа Иттифоқи ўзга фанорлар қаторида, мазкур вазифалар ижобий ҳал этилишида

қармаслик керак. Зотан, юқорида-ги ҳолатларга мувофиқ мамлака-тимизнинг ташқи савдо ҳамкорла-рининг аксарият қисми ЖСТга аъзо давлатлардир. Шунингдек, мамла-катимизда экспорт қилинган товар-ларга нисбатан юқори бож ставка-лари ҳамда нотариб тартибга соли-лиш усуллари кенг жорий этилиши экспорт салоҳиятига салбий таъ-сир қилади.

Дунёдаги барча мамлакатлар муайян ресурсларга — инсон, са-ноат, табиий, молиявий ресурслар-га эга, улардан ички ёки жаҳон бо-зориде сотиш учун товар ва хиз-матлар ишлаб чиқишда фойдала-нади. Ривожланган давлатлар ни-мани яхши ишлаб чиқса, шунга ўз активлари ва диққатларини қар-ратиш орқали фойда олишга инти-лади. Ички бозордаги компаниялар учун бу ўз-ўзидан рўй беради. Бироқ бу, масалан бир томони. Масаланинг иккинчи томони, бу — дунё бозори. Кўпчилик компания-лар бозор қанчалик катта бўлса, самарали фаолият кўрсатиш ва кўпроқ истеъмолчиларга эришиш борасида кенг миқёсли имконият-ларга эга бўлишларини тан олади.

— **Яна бир муҳим жиҳат шуки, мамлакатимизда иқти-содийни либераллаштириш, саноатни хусусийлаштириш,**

бозор эркинлигига давлат аралашувини чеклаш бораси-да хали қилинадиган ишлар жуда кўп. Бу масалада сиз-нинг фикрингиз қандай?

— Мамлакатимизда ҳам ЖСТ то-монидан иқтисодий ва сиёсий очиклиқни таъминлаш, экспорт-им-порт ва бошқа иқтисодий тизим-ларда режалаштиришдан воз ке-чиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари импорти бўйича дав-лат монополиясини бекор қилиши зарур. Зотан, Хитой ва бошқа йи-рик давлатлар бу шартларни қабул қилишни давр зарурати, геоиқти-содий қоида ҳурматини жойига қўйиш, деб тушунган. Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш бо-расида халқаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши маҳал-лор ишлаб чиқарувчилардан жаҳон бозорларига кириб бориш учун маълум билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборотлар канал-ларига эга бўлишни талаб этади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан ақуний музока-ралар олиб борилаётган бир пайт-да қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ЖСТ талабларига мос ҳолга келтириш муҳим вазифалардан саналади. Чунки ЖСТга аъзо бўлиб кириш юзасидан ўтказилаётган икки ва кўп томонлама музокараларда аъзоликка номзод мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсати чуқур ўрганиб чиқилади ва музокаралар марказида бўлади.

— **ЖСТ дунёдаги энг йирик халқаро иқтисодий ташкилот бўлиб, унга дунёнинг 98 фоиз иқтисодийтига эга давлатлар аъзо бўлганлиги бу жараён замон талаби эканлигини билдиреди.**

— Фикрингизга қўшиламан, ЖСТга аъзо бўлишнинг ўзига яраша ташқи бозорга эркин чиқиш, арзон хомашёлар импорти каби муҳим афзалликлари мавжуд. Тақрор айтаман, аъзо бўлиш жа-раёни узок вақт сарф этилади-ган босқичдир. Сирасини айтган-да, 1994 йилда бошланиб тўхтаб қолган, 2016 йилдан кейин амал-га оширилган кенг кўламли иж-тимоий-иқтисодий ислохотлардан сўнг аъзоликка кириш жараёни қайта тикланганлиги, бу ниҳоят-да яхши имконият. Шунингдек, эркин савдо муҳитида рақобат ва салоҳиятни сақлаб қолиш, сано-ат ва хизмат кўрсатиш соҳасида экспортга йўналтирилган лойиҳа-ларни яратиш орқали тармоқ тад-биркорлик ташкилотлари ва хусусий секторни тайёрлаш за-рурияти мавжуд.

Умуман олганда, ЖСТга аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг жаҳон иқти-содийтига тўлиқроқ интеграцияла-шувиға, савдо амалиёти яхшила-нишиға ва иқтисодий ривожланиш-га ёрдам беради. Бошқача айтган-да, бу, Ўзбекистонни дунёға, дунё-ни Ўзбекистонга яқинлаштиради.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Даъват

УЙҒОНМАСАК, УЯЛГАЙМИЗ

Уйқу учун келмаганмиз бу дунёға,
Юзни чайинг монғлар сочган нур, зиёға,
Қалби уйғоқ мушаррафдир хуш дуоға,
Вилоятим, аҳли Тошкент, ўтинчим бор,
Уйғоқ элни бандам дегай Парвардигор.

Мудроқ одам муродиға етган эмас,
Қут-барака кўчасидан ўтган эмас,
Юз йил яшаб бахт баридан тутган эмас,
Вилоятим, аҳли Тошкент, тўлгон энди,
Уйғонганлар сафига кир, уйғон энди!

Нурафшоннинг номидаги нурунг ҳаққи,
Олмақидан олаётган дуринг ҳаққи,
Бекобонни пўлат қилган кўринг ҳаққи,
Қирчиқ билан яна юз бор қувон энди,
Қувончининг кўшиғидан уйғон энди!

Бўстонлиқдек жаннатмонанд гулзор бизда,
Паркент деса, узумиға хумор бизда,
Оҳангарон тилдан тушмас алёр бизда,
Болинг бевақт кўрмасин ҳеч хазон энди,
Дехқон элим, боғбон элим, уйғон энди!

Тошкент отлиғ ўз мактабинг яратгандинг,
Ибрат тўққан изларингга қаратгандинг,
Пойтахт бўлиб шон-шухратинг таратгандинг,
Аслида-қур, Ватан учун — уммондайсан,
Нечун, ахир, шу қадрингга уйғонмайсан?!

Уйғонишдан Худо ҳаққи уялма ҳеч,
Ўз ориндан ўзгасиға суялма ҳеч,
Бугун уйғон, эрта албат, бўлади кеч,
Уйғонганлар ичра ургин жавлон энди,
Шиддатининг шамолдан уйғон энди!

Юртбошининг меҳри бизға дарёча бор,
Шу меҳрни — оқламоқни қил иштиёр,
Вилоятим, аҳли Тошкент, айтсум тақрор,
Бу даъватдан бўлмагин ҳеч ҳайрон энди,
Уйғонмасак, уялғаймиз, уйғон энди!

**Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор.**

ПАРРАНДАЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Қўшработ туманидаги “Қўшработ ломанн парранда” МЧЖда Германия технологияси асосида 40 млрд. сўмлик лойиҳа доирасида наслии жужалар парвариси йўлга қўйилди.

Интилиш

Корхона йилига 10 млн. та наслии жўжа етиштириш-га мўлжалланган бўлиб, йиллик экспорт қуввати 1 млн. долларни ташкил этади.

— Биз ўз фаолиятимизни ўтган йилнинг июнь ойидан бошлаб, наслии парранда етиштириш бўйича Марказий Осиёда йирик лойиҳалардан бирини амалга оширдик, — дейди “Қўшработ ломанн парранда” МЧЖ ижрочи ди-ректору Жаҳонгир Хабиев.

— Бу ерда 80 нафар ишчи томонидан ҳар ойда 700 мингта зотли жўжа етиштирилиб сотилмоқда.

Шу тарика маҳаллий аҳоли ва корхона ўртасида паррандачилик кооперация-си ташкил этилиб, 120 кун-

лик товўқни кредит асоси-да аҳолига етказиб бериш, тукумини корхонанинг ўзи то-монидан сотиб олиш фао-лияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунга қадар ту-мандаги 100 та хонадонга 15 мингта товўқ тарқатил-ган. Ҳар куни 14700 та ту-хум харидорларга етказиб берилмоқда. Йил якунига қадар 1000 та хонадонга 150 минг бош товўқни тар-қатиш орқали 600 нафарга-ча аҳолининг доимий даро-мад олишини таъминлаш кўзда тутилган. Натижада тукумда тукум етиштириш йилгига қўшимча 27 млн. до-нага кўпайди ҳамда Катта-кўрғон, Нуробод, Оқдарё ту-манларини ҳам тукум билан таъминлаш имконияти яратилади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ЗАРҲАЛ ИПЛАРИ ВА МАТОЛАРИ



Ҳажм ошиб, сифат яхшиланди

Мамлакатимизда пилла етиштириш-да етакчи ҳудудлардан бири ҳисоблан-ган Қашқадарё вилоятида бундан олми-етти йил аввал ҳосилдорлик салмоғи жуда паст, бу юмуш ипак курти пар-вариллашдиган оилалар учун ҳам деярли даромад келтирмай қўйган, тармоқда ишлар зўрма-зўракилик билангина юри-тиб келинаётганди.

Мисол учун, 2017 йили виллоятда 38 минг 350 қўти ипак курти парвариш-ланиб, ҳар бир қўтидан ўртача 26 ки-лограммдан (жами 1008 тонна) ҳосил олинган. Жорий йилда эса қашқадарё-лик пиллакорлар 42 минг 243 қўти ипак куртидан 2451 тонна (ҳар бир қўтидан ўртача 58 килограммдан) “кумуш тола” етиштирди. Бу олти йил ичида ҳосил-дорлик салмоғи икки баробардан ҳам кўпроқ ошганини аңглатади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: ҳўш, бу кўрсаткичларга қандай эришилаётир ва ўсиш учун асосий сабаблар сифатида нималарни кўрсата оламиз?

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда пиллачилик соҳасини ривожлантириш-га катта эътибор қаратилаётир, — дей-ди виллоят “Агропилла” МЧЖ масъул хо-дими Қаҳрамон Менглиев. — Бу бора-да Президент, Вазирлар Маҳкамаси то-монидан бир қатор қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асоси-да тармоққа илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, наслчиликни яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла-хоналарда етарли шарт-шароитларни



яратиш, ипак курти парваришлаётган оилаларнинг фаолиятдан манфаатдор-лигини ошириш ва шу каби тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллийлаштириш — ютуқлар омили

2020 — 2023 йиллар давомида Қаш-қадарё виллоятида 50 миллион тупдан зиёд тут қўчатлари экилиб, мавжуд ту-зорлар аҳолига оилавий пудрат шарт-номаси асосида тақсимлаб берилди. Ўнлаб янги қўрхоналар қурилиб, фой-даланишга топширилди. Мавсумда пил-ла етиштираётган касаначиларнинг меҳ-натига муносиб ҳақ тўланиши йўлга қўйилди. Натижа эса олинаётган ҳосил салмоғида акс этапти.

Қаҳрамон Менглиевнинг қўшимча қилишича, виллоятда пилла уручилиги-ни ривожлантиришга ҳам алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Хусусан, Китоб ту-

манида “Kitab silk worm eggs” ипак курти уруғини тайёрлаш корхонаси ишга туширилиб, бу йил синов тариқасида 16 минг ипак курти уруғи оқчилди. 2026 йилдан бошлаб эса айни пайтда хориждан қиммат нархларда импорт қилинаётган ипак курти уруғи виллоят-нинг ўзида етиштирилиши режалашти-рилмоқда.

Айтиш жоизки, тармоқда қўшимча иш ўринларини яратиш, олинаётган даро-мад салмоғини оширишда етиштирил-ган хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот кўрини-шида ички ва ташқи бозорга чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Шундан ке-либ чиққан ҳолда Қашқадарё виллоят-да ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада хорижий ва маҳал-лий сармоя иштирокидаги қатор лойи-ҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури доира-сида кенг кўламли чора-тадбирлар ре-жаси белгиланган бўлиб, ҳаётбахш ис-

лохотлар виллоятнинг ҳар бир ҳудудини қамраб олиши кўзда тутилган. Бу бо-рада ҳудудлар кесимида ташкил қили-надиган пиллачилик кластерлари фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Қўшимча қиймат занжири

2019 йили Қарши шаҳридаги “Radiant Silk” корхонаси тубдан модернизация қилиниб, бу ерда энг замонавий тех-нологиялар асосида калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бугунги кунда корхонамиз пилла-чилик кластери шаклида фаолият юри-тиб, етиштирилган хомашё тўлиқ шу ер-нинг ўзида қайта ишланмоқда, — дей-ди корхонанинг ишлаб чиқариш бўли-ми раҳбари Муртоз Аминов. — Иш мав-сум аввалида ҳудуддаги касаначилар билан шартнома тузиб, пилла етишти-ришдан бошланади. Шундан сўнг ҳосилни бу ерга олиб келиб, бир неча босқичда қайта ишлаймиз. Тозаланиб, халқаро бозор талаблари бўйича йиғи-рилиб, тайёр калава ип ҳолига келти-рилган ипак тола шу ернинг ўзидан тўғридан-тўғри экспортга йўналтирилади. Айни вақтда маҳсулотимиз Хитой, Вьетнам ва Эрон каби давлатларга экспорт қилинماпти.

Виллоятда пиллани қайта ишлаша са-ноатида фаолият юритаётган яна бир йирик корхона — Шаҳрисабз тумани-даги “Shakhrisabz Silk Production” масъ-улияти чекланган жамияти.

2020 йилда 5,5 миллион АҚШ дол-

лари миқдоридеги сармоя эвазига бар-по этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада йилгига 1000 тонна пиллани қайта иш-лаш ва 350 тонна ипак толаси ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Айни чоғда корхонада ипак толани чуқур қайта иш-лаш бўйича яна бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда Касби туманидаги “Kasbi Silk”, Косон туманидаги “Koson Silk” корхоналари томонидан ҳам пил-лани қайта ишлаш тармоқлари ишга ту-ширилиши кутилаётган бўлса, 2024 йил-да Чирокчи туманидаги “Chiroqchi tolasi” МЧЖ ҳамда Яккабоғ туманидаги “Yakkabog’ Silk Production” МЧЖ томо-нидан ҳар бирининг лойиҳа қиймати 1 миллион АҚШ доллари бўлган пил-лани қайта ишловчи 2 та корхона ишга туширилади.

Бу каби замонавий ёндашувлар тармоқда қўшимча қиймат занжири яратишда муҳим аҳамиятга эга.

12 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилди

Умуман олганда, Қашқадарёда пил-ла толаси етиштириш ва уни қайта иш-лаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи кам эмас. Шунга мо-нанд равишда натижа ҳам буй кўрса-таётир. Мисол учун, 2017 — 2020 йил-ларда виллоятда 1 минг 420 нафар дои-мий ҳамда 66 минг мавсумий ишчилар пиллачилик билан шугўлланган бўлса, пилла етиштириш салмоғининг ортиши,

хомашёни ҳудуднинг ўзида қайта иш-лаш билан боғлиқ янги лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши натижасида бугунги кунда тармоқда доимий иш ўрнига эга бўлган ходимлар сони 12 минг 262 на-фарга, мавсумий ишчилар сони эса 85 минг нафарга етди.

Виллоятда “кумуш тола” экспортдан олинаётган даромад салмоғи ҳам йил-дан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2021 йили Қашқадарёдан 9 миллион долларлик ипак ва ипак маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 10 миллион 900 минг АҚШ долларига етди. Жорий йилда эса етиштирилган ҳосил салмоғининг ортиши, хомашёни воҳанинг ўзида тўлиқ қайта ишлаб хориж бозорига чиқарилиши эвазига ипак экспортдан олинадиган даромад 16 миллион АҚШ долларига етиши кўзда тутилмоқда.

Шу тарика яқин йилларгача эътибор ва рағбат йўқлиги сабабли жуда ноҷор шароитга тушиб қолган тармоқда янги-ланиш ва ўзгаришлар буй кўрсатиб, воҳа пиллачилиги юксалиш, истиқбол сари кўс тутиди. Бу эса, ўз навбатида, соҳада янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даро-мадини ошириш

ПОКИСТОН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАРАШ ВА ИНТИЛИШЛАРИ БИР-БИРИГА УЙҒУН



— Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан бери мавжуд муносабатлар ҳар доим ҳам бир хил кечмаган. Яъни, юксалиш ва пасайиш даври кузатилади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта.

Биласиз, қадимдан бизни чуқур маданий ва маънавий алоқалар боғлаб туради. Айниқса, Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг она Ватани Фарғона водийси билан хозирги Покистонни боғлаб турувчи хусусиятлар эътиборга молик. Бобурийлар даврида Лоҳур гуллаб-яшнаган йирик шаҳарга айланган. Биз хозирги авлод вакиллари аждождлардан қолган ишонч асосида дўстлик ришталарини давом эттирмақдамиз. Покистон ва Ўзбекистон халқлари алоқаларига бошқа жиҳатлардан ҳам қараш мумкин. Булар — тарихий-географик, Беруний, Мухаммад Хоразмий каби қомусий олимлар ва улардан мерос қолган билимларда ҳамда диний-маърифий жиҳатдан алоқадорликда кўринади. Бундан ташқари, ўзбек ва урду тилларида тахминан 4 мингдан ортиқ умумий сўзлар мавжуд. Шунингдек, маданият ва қадриятларимизда ҳам умумийликлар кўп.

Бизнинг фикрларимиз, қаҳрамонларимиз бир хил. Сиз Покистонда Бобур, Темур исмли ин-

сонларни кўп учратасиз. Покистонликлар Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар ҳақида ўқиб, ўрганиб вояга етмоқда.

Афсуски, тарихнинг аччиқ қисмати туфайли халқларимиз йигирманчи асрнинг катта қисмида бир-бирдан узоклашиб яшадилар. Албатта, бу икки халққа боглиқ бўлмаган ҳолда юз берди. Бундан ташқари, сўнгги ўттиз йилнинг катта қисмида мамлакатларимиз раҳбариятининг тўғридан-тўғри алоқалари нисбатан суст бўлди. Хозир ушбу бўшлиқни илоҳи борица тезроқ тўлдирishга уринаймиз.

— Бугунги алоқалар ҳолатини қандай баҳолайсиз? Икки давлат муносабатларида жиҳдий силжилар борми? Қандай лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда?

— Бизнинг умумий динимиз, тарихимиз, жуғрофиямиз, анъаналаримиз ва иқтисодий манфаатларимиз яқин ҳамкорликка чорламақда. Аждодлари минг йиллар давомида ёнма-ён бўлган халқларни яна бир-бирига яқинлаштириш, тарихий алоқаларни тиклаш ва уларни XXI асрнинг геоекисодий ҳақиқатларига мувофиқ тарзда янгилаш вақти келди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва дўстона алоқалар ривож топмоқда. Жумладан, мазкур жараёнда икки давлат муносабатлари, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суръат билан ривожланиётганини кўришимиз мумкин. Ўзаро савдо-сотик нуқтаи назаридан бизнинг иқтисодийларимиз рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирди. Шу маънода, ўзаро товар айирбошлаш ҳамжамии ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Сўнгги йилларда савдо ва инвестиция ҳамкорлигида ижобий суръат кузатишмоқда.

Савдо йўлакларига келсак, Покистоннинг жуғрофий жойлашуви

Ўзбекистонга Араб денгизига чиқиш учун энг қисқа савдо йўналишини тақдим этади. Покистон орқали савдо қилиш Ўзбекистон учун денгизга чиқишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Худди шундай, Марказий Осиё бозорлари билан савдо муносабатларини кенгайтиришга хизмат қиладиган алоқаларни ўрнатиш Покистоннинг асосий максадларидан биридир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи чоғида муносабатларни мустақамлаш томон улкан қадам ташладилар. Мамлакатларимиз етакчиларининг мунтазам мулоқотлари туфайли алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Транспорт, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳамжамии яқин истикболда 1 миллиард долларга етказиш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинган. Энг аввало, савдо, инвестиция, саноат кооперацияси, транспорт, логистика, инфратузилма ва туризм соҳаларида амалий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни бажаришга, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратяймиз. Ўзбекистон Президентининг ўтган йили Покистонга ташрифи арасида Исломободда ўтган бизнес форумида тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари, банк-молия, кимё саноати ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 800 миллион долларлик 60 дан зиёд савдо ва инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилган эди. Бу лойиҳаларнинг барчаси саноат кооперацияси дастурига қиритилиб, қатъий назоратга олинган. Олий даражада ташрифлар чоғида имзоланган ҳамда қушга қиритилган Транзит савдо ҳамда Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимлар икки халқнинг фаровон

ҳаётини таъминлаш, миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқади. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлашнинг янги механизмлари қатъиян белгилаб қўйилди, ёшлар, аёллар ва таълим сиёсати борасида замонавий халқаро стандартлар асосида янги нормалар қиритилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини мустақамлаштиришнинг гаровидир.

— Сўнгги пайларда мамлакатларимиз ўртасида зиёрат туризми йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикрингизни билишни истар эдик...

— Дарҳақиқат, зиёрат туризми тарақиёт учун катта салоҳиятга эга. Хар бир покистонликнинг орзуси Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиш. Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар Покистонда ҳам жуда машҳур. Уларни халқимиз чуқур ҳурмат қилади. Покистонда нақшбандия тариқатининг миллионлаб вакиллари, улуг алломаларнинг ихлосмандлари бор. Айни чоғда, қадимий обида ва зиёратгоҳлар, Заҳриддин Мухаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадрли. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш мусулмонларга руҳий-маънавий куч беради, янги марралар сари илҳомлантиради. Демакки, бунинг учун турли шаҳарларимиз ўртасида тўғридан-тўғри авиарейслар катновини кенгайтириш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман.

Масаланинг яна бир жиҳати тўхталмас, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар ва ўзгаришлар, инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатла-

рини ҳимоя қилишга йўлантирилган. Референдум асосида Ўзбекистон Конституциясига қиритилган ўзгариш ва қўшимчалар бошланган ислохотларнинг изчил давом эттирилиши, эртанги фаровон ҳаёт кафолати бўлади. Бунда Ўзбекистоннинг “суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат” мақоми мустақамланди. Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлашнинг янги механизмлари қатъиян белгилаб қўйилди, ёшлар, аёллар ва таълим сиёсати борасида замонавий халқаро стандартлар асосида янги нормалар қиритилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини мустақамлаштиришнинг гаровидир.

— Сўнгги пайларда мамлакатларимиз ўртасида зиёрат туризми йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикрингизни билишни истар эдик...

— Дарҳақиқат, зиёрат туризми тарақиёт учун катта салоҳиятга эга. Хар бир покистонликнинг орзуси Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиш. Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар Покистонда ҳам жуда машҳур. Уларни халқимиз чуқур ҳурмат қилади. Покистонда нақшбандия тариқатининг миллионлаб вакиллари, улуг алломаларнинг ихлосмандлари бор. Айни чоғда, қадимий обида ва зиёратгоҳлар, Заҳриддин Мухаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадрли. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш мусулмонларга руҳий-маънавий куч беради, янги марралар сари илҳомлантиради. Демакки, бунинг учун турли шаҳарларимиз ўртасида тўғридан-тўғри авиарейслар катновини кенгайтириш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи») сўхбатлашди.



ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Ургач халқаро аэропортидан чиқиб шаҳар маркази томон юрсангиз кенг ва равон йўл сизни тўғри буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойига олиб боради. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ургач шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган бу маҳобатли ҳайкал буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига мос улғуворлик касб этган.

Обод манзиллар

Баландлиги 25 метр бўлган бу ҳайкалда Жалолиддин Мангуберди тулпор жиливини маҳкам тутиб, эл-юрт ҳимоясига отланиб тургани тасвирланган. Султоннинг қатъият, мағрур сиймосида келажаққа катта ишонч билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, бўқилмас иродаси ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилган. Эрон ҳудудидан топишган, оғирлиги 32 кг., баландлиги 30 см. бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангубердининг шажараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги кунда Лондондаги машҳур Британия музейида сақланади.

— Ургачда замонавий ва миллий услубда бунёд этилаётган янги бинолар, кўча ва хиёбонлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, — дейди узоқ йиллар таълим-тарбия соҳасида ишлаб, бугунги кунда кесалик гаштини сураётган Ўзбекистон Қаҳрамони Эгамберган Каримов. — Шаҳарда кўп қаватли муҳташам иморатлар билан бир қаторда ёдгорлик мажмуалари, диққатга сазовор обидалар барпо этилмоқдаки, улар ёш қари — барчанинг севибли масканларига айлانган. Улуг саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали дунё сайёҳларини бу қўнға воҳага чорлаши баробарида, ёш авлодни юксак ватанпарварлик, аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли жиҳати, шаҳарда транспорт воситалари тирбандлигининг олдини олиш мақсадида Жалолиддин Мангуберди ҳайкали ўрнатилган майдон остида ёпиқ қисми 260 метр, очик қисми 240 метр бўлган, сотагига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга ер ости йўли барпо этилди. — Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган доврак қурашчи, чин маънадаги ватанпарвар, буюк саркарда, хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Жалолиддин Мангуберди тўғрисида XIII асрдан хозирги кунга қадар ёзилган китобларнинг сони минг жилддан ортиқчи ташкил этадики, шунинг ўзи ҳам унинг шавкатли номи бекиёш шараф ва эҳтиромга лойиқ эканини кўрсатади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўли-

ми раҳбари, Жалолиддин Мангуберди фонди раиси Бекзод Абдиримов. — Собиқ тузум даврида Жалолиддин Мангуберди жасорати ҳақида очик ёзишга йўл қўйилмади, бу ном яширин тугилди, тарихини ўрганиш тақиқланди. Бугунги кунда Жалолиддин Мангуберди фонди ҳамда Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўлими томонидан хоразмшоҳлар давлати тарихи билан боғлиқ юртимиз китобхоналарига маълум бўлмаган асарларни таржима ва нашр қилиш борасида хайрли ишларни амалга оширяймиз. Мисол учун, покистонлик Васим Сажад билан ҳаммуаллифликда тайёрлаган “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” асари ўзбек, урду ва инглиз тилларида нашр этилди.

Дарҳақиқат, бугун бобомизнинг шарафли номи юзага чиқди. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилган, “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Ургачда “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусида халқаро конференция юқори савияда ўтказилди. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркардан муносиб ворисларини тарбиялаш мақсадида Ургач шаҳрида 300 ўринга мўлжалланган Жалолиддин Мангуберди номи халқий йўналишдаги лицей барпо этилди.

Дунёдаги энг улкан қаҳрамонлик — бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида қўриқилган мардлик ва жасоратдир. Бундай қаҳрамонлик асло унутилмайдиган, ҳаммиса халқ қалбида яшайди. Шу боис Ургачнинг қоқ марказида қад ростлаган Жалолиддин Мангуберди ҳайкали Хоразмнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланди. Эндикда бу хиёбон хорижлик сайёҳлар, кекса-юш барча ташриф буюрадиган, умумхалқ байрамлари, халқ сайиллари ўтказиладиган табаррук маскан, янгилаётган Хоразм қиёфаси бўлиб, улуг ва оод Ватан тимсоли сифатида юртга садоқат ва муҳаббатдан мангу сабоқ сўйлаб туриш, шубҳасиз.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Инвестиция

Фарғона шаҳрида барпо этилаётган “Экошаҳар” ҳудудида 1 гектар майдонда замонавий япон тиббиёт ва соғломлаштириш шаҳарчаси ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

ЯПОН ТИББИЁТ ШАҲАРЧАСИ БУНЁД ЭТИЛАДИ

Шу кунларда лойиҳани амалга оширишга қирийлаётган Япониянинг “NAGAI Clinic” компанияси раҳбари Кожи Нагаи бошчилигидаги делегация аъзолари Фарғона вилояти ҳокимлиги масъуллари билан юзма-юз мулоқот ўтказди.

Айтиш жоизки, 11 та йўналишдаги клиника, 2 та дорихона, 20 та соғломлаштириш муассасаси, массаж, фитнес каби қатор спорт-соғломлаштириш марказлари ҳамда тиббий таълим ва соғлом турмуш тарзини ўқитиш бўйича ўқув марказини ўз ичига олган ушбу шаҳарчанинг дастлабки лойиҳа қиймати 8,72 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа тўлиқ Япония компанияларини инвестицияси ҳисобига амалга оширилади.

— Урашувда вилоят ҳокимлиги ва “NAGAI Clinic” компанияси ўртасида ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдуқамол Тўхтақулов. — Ўз навбатида, “NAGAI Clinic” компанияси раҳбари Кожи Нагаига Фарғона вилоятида хорижий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳам топширилди.

Тиббиёт ва соғломлаштириш шаҳарчаси Япониянинг “Mitsudo Development” компанияси томонидан “Экошаҳар”да 3 гектар майдонда бунёд қилишга қирийилган қиймати 15 млн. долларлик “Shogun city” япон боғи, меҳмонхона, ресторанлар мажмуаси билан уйғунлик касб этиши кўзда тутилган.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Эътибор

Шундан келиб чиққан ҳолда бундай ўғил-қизларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, ҳал қилиш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, изчил саъй-ҳаракатлар доирасида уларга ойлик нафақа тайинлаш, васийликда яшаётганларнинг тураржойлари коммунал тўловларини тўлаб бериш сингари ишлар доимий назоратга олинган.

Яқинда Когон шаҳрида қонуний тартибда оливайи тарбияга олинган 18 нафар вояга етмаган ўсимир аҳоли ўрганилди. Вилоят ва шаҳар, Миллий гвардия вилоят бошқармаси масъуллари улар эҳтиёжидан келиб чиқиб, бу ўғил-қизларга манзилли ёрдам кўрсатишди. Уларга кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари, қаравот, китоб жавони, велосипед, ноутбук, компьютер жамламаси, чангютич, кир ювиш машинаси топширилди.

Бу каби ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлардан бири — Бухоро шаҳрида яшовчи Пётр Гороводир.

— Болалигим Мехрибонлик уйда кечди, — дейди у. — Жонқуяр тарбиячилар она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлишди. Ҳали-ҳануз давлатимизнинг эътибори, ғамхўрлигини қўриб, ҳис этиб яшайман.

Тўғма ногирон бўлган бу йигитча ҳаётнинг бешафқат синови олдида бўйин эгмади. Ҳозир ҳалол меҳнат қилиб, ўнлаб тенгқурларига ибрат қўрғатмоқда. Бухоро шаҳридаги “Golden tree uz furniture” масъуляти чекланган жамиятида дизайнер вазифасида ишлаб, Бухоро санъат мактабиди

мусаввирлик ва дизайн йўналишида сабоқ оляпти.

Дарвоқе, унинг ҳалигача давлатимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб келяпган, деганича бор. Унга маҳаллий ҳокимлик томонидан икки хонали шинамгина иш ажратилди.

Қувонарлики, бу каби эътибордан вилоятнинг энг чекка қишлоқларида яшовчи ёшлар ҳам баҳраманд. Шу ўринда, Пешку туманидаги Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шаҳина Қокоровнинг фикрларига қўқ тутамиз.

— Орзуларим кўп, — дейди қиришда қўқони бўлган бу қиз. — Олий маълумотли бўлиб, ўзим каби кўмакка эҳтиёжманд ёшларнинг ҳаётида ўрин топиб кетишларига ёрдамлашиш мақсадим бор. Ҳозир Бухоро давлат университетининг филология факультетида ўқияпман. “Ёшлар дафтар” рўйхатидан. Маҳалламиз мени қўллаб-қувватлаб турибди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволанишим учун 5 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Жисмоний имконияти чекланган бундай инсонларнинг қай бири билан сўхбатлашманг, ўзига, эртасига ишонч борлигини, улкан мақсадлар билан яшаётганлигини кўрасиз, уларга тасанно айтасиз.

Ва умуман, бундай хайрли ишлар бошидан кўп синовларни ўтказган, таъбир жоиз бўлса, гоҳида ширин, гоҳида аччиқ-изтироби ҳаёт қозонида қайнаб тобланганлар дилида эзгулик чирогини янада равшан этаётгани ҳам аини ҳақиқат.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди янгибозорлик Зебинис, Худойқулова. — Турмуш таш-

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР ҚУВОНЧИ

Юртимизда инсон қадрини улуғлаш, айниқса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар, жисмоний имконияти чекланган инсонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазасини қучайтириш, ўз салоҳиятларини тўлақонли юзага чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу борада “Меҳр дафтари” платформаси ҳам жорий қилинган.

вишлари сабаб уйсиз қолдим. Қўнглимга қил ҳам сиймасам. Эсласам, ҳали-ҳануз юрагим орқага тортиб кетади. Давлатимизга раҳмат, вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси, сектор раҳбарлари мушкул паллада мени ёлғизлатиб қўйишмади. Бошпанали бўлишим учун хотин-қизлар фондидан уй-жойнинг бошланғич бадалини тўлаб беришди. Энди ўз уйим бор. Фарзандларимни эс-хушли, меҳр-оқибати, она юртимизга садоқатли қилиб тарбиялашни ўз бурчим деб биламан.

Яқинда Пешку туманида яна

“Давлатимиз, эл-юрт мададини сезган кўплаб фуқаролар учун “темир дафтар”, “аёллар дафтари”да рўйхатда туриш ўтмишга айланмоқда.”

бир хайрли иш амалга оширилди. Сектор раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ишсиз, аммо ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиқидидаги 60 нафар хотин-қизга ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

Эътиборлиси, давлатимиз, эл-юрт мададини сезган кўплаб фуқаролар учун “темир дафтар”, “аёллар дафтари”да рўйхатда туриш ўтмишга айланмоқда. Бунга Қорақўл туманидаги Тинчлик маҳалласида яшовчи Махфуза Саидованинг ҳаёти аққол мисол.

— Яқин-яқингача рўзгоримизда етишмовчилик бўлар, қўлимиз қалта эди, — дея эслайди у. — Яшириб нима қилдим, қора қозон қайнамай қолган

кунлар ҳам бўлган. Президентини ташаббуси билан мен каби ишсиз, мададга муҳтож фуқароларнинг қўллаб-қувватлашни дардимизни буткул аритди.

Махфуза Саидова бугунги кунда маҳалланинг олди тикувчиларидан. Субсидия асосида тикув машиналари олган бу аёл эндиликда “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”да турган маҳалладошларига ҳунар сирларини ўргатмоқда. Унинг цехида тайёрланаётган кийим-кечаклар, келинлик либослари, элита пардалар тобора хари-дорғи бўлиб бормоқда. Айтмоқчи, яқинда “Ишбилармон аёл — 2023” кўрик-танловининг туман босқичида М. Саидова “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” номинацияси ғолиби деб топилди.

Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда вилоят бўйича салкам 3 минг нафар бokuвчисини йўқотган, 3 минг 124 ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган, 121 нафар уй-жойи таъмирталаб, 281 нафар нотуғрайжода яшаётган, 600 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари тарбияланаётган, 9 мингдан зиёд тиббий ҳимояга эҳтиёж сезган хотин-қизларга умумий қиймати 5 млрд. 100 млн. сўмлик бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Тижорат банклари томонидан 104 млрд. 862 млн. сўм миқдорда кредит ва субсидиялар ажратилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан эса 700 млн. сўмлик бепул дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бу каби эътибор ва ёрдам эҳтиёжманд фуқароларнинг ташвишини енгил қилаётган ҳамда уларнинг ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари сари йўл очмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

153N 0010-678A

4772030 478004

Тажрибанинг келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — 3. Худойикулов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45

Топширилди — 23.10

1 2 3 4 5 6